



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil «13» февраль

№ ПҚ-71

### Қишлоқ хўжалиги ерлари деградациясига қарши курашиш, тупроқнинг гумус миқдори ва унумдорлигини оширишини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

Республикада иқлим ўзгариши билан боғлиқ салбий таъсирнинг олдини олиш, қишлоқ хўжалиги ерлари деградациясини камайтириш, тупроқдаги гумус миқдорини кўпайтириш орқали экинлар ҳосилдорлиги ва тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида:

1. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ **2024–2025 йилларда тажриба тариқасида** пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни, шу жумладан тупроқнинг гумус миқдорини ошириш бўйича агротехник тадбирлар учун ердан фойдаланувчиларга (жумладан, кластерларга) Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар бир гектар майдонга **бир миллион сўмдан субсидия ажратилади**. Бунда:

субсидия ажратиш Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан “Агросубсидия ахборот тизими” орқали амалга оширилади;

пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича тадбирларни бажариш учун дастлаб ҳисобланган субсидиянинг **70 фоизи** 2024 йилда ажратилади;

субсидиянинг қолган **30 фоизи** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгашининг ҳосилдорлик олдинги мавсумга нисбатан ўртacha **10 фоизга ошганлиги** тўғрисидаги хулосасига асосан 2025 йилда ажратилади.

2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2024 йил Давлат бюджети параметрларига мувофиқ ажратилган маблағлар ҳисобидан мазкур қарорнинг 1-бандида назарда тутилган субсидиялар ўз муддатида ажратиб берилишини таъминласин.

**3.** Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг агротехник тадбирлар учун тақдим этадиган талабномаларига мувофиқ тупроқнинг гумус миқдорини ошириш мақсадида, заруриятга кўра, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасидан 2025 йил пахта ҳосили учун 2024 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб имтиёзли кредитлар ажратилишига рухсат берилсин.

**4.** Қишлоқ хўжалиги ерлари деградациясига қарши курашиш ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича **республика комиссияси таркиби иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

хорижий тажрибани чуқур таҳлил қилган ҳолда **тупроқдаги гумус миқдорини кўпайтириш** орқали тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

тупроқ таркибida гумус миқдори кам бўлган ер майдонларини аниқлаш, уларнинг **хариталарини яратиш** ва мониторинг қилиш;

ҳудудларда **тупроқни муҳофаза қилишга қаратилган ердан фойдаланиш тизимини** жорий қилиш ва рағбатлантириш чораларини кўриш;

пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ошириш тажрибасини **республиканинг бошқа ҳудудларида кенг жорий қилиш**;

**ерлар деградацияси жараёнларининг олдини олиш** бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш;

Давлат бюджетидан ажратилган субсидияларнинг ўз муддатида мақсадли ва самарали ишлатилишини ташкил қилиш.

**5.** Тупроқшунослик йўналишидаги фаолиятни ягона тизимда амалга ошириш мақсадида “Тупроқ таркиби ва репозиторийси, сифати таҳлил маркази” давлат унитар корхонаси Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти таркибига ўtkazilsin.

#### **6. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда:**

2024–2025 йилларда пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ошириш учун субсидия ажратиш тажрибаси синовдан ўтказиладиган туманлар рўйхатини;

Пахта майдонларида тупроқнинг гумус миқдори ва унумдорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини;

Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник тадбирлар учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқласин.

**7.** Ҳисоб палатаси (А.Бобоев) мазкур қарор доирасида Давлат бюджети ҳисобидан маблағларнинг мақсадли ажратилиши ва сарфланиши устидан назорат ўрнатсин.

**8.** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Фанлар академияси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда 2024 йилнинг иккинчи чорагида илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари олимларидан иборат ишчи гурухларни ташкил қилган ҳолда жойларда тупроқнинг гумус миқдорини ошириш бўйича амалга ошириладиган агротехник тадбирлар ҳамда Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидия тўғрисида ҳар бир туманда фермер хўжаликлари учун семинарлар ташкил этсин ва уларга тушунтиришлар берсин.

Бунда, тупроқнинг гумус миқдорини ошириш бўйича агротехник тадбирларни амалга ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва ҳар бир фермер хўжалигига етказиш назарда тутилади.

**9.** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**10.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этиш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг аграр ривожланиш масалалари бўйича маслаҳатчиси Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2024 йил 13 февралдаги ПҚ-71-сон қарорига  
илова

**Қишлоқ хўжалиги ерлари деградациясига қарши курашиш ҳамда  
тупроқ үнумдорлигини ошириш бўйича республика комиссияси  
ТАРКИБИ**

1. Ш. Ганиев – Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, *Республика комиссияси раиси*
2. Т. Рапиков – Вазирлар Маҳкамаси котибият мудири
3. Ш. Хамраев – сув хўжалиги вазири
4. А. Қосимов – қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринbosари
5. А. Хайдаров – иқтисодиёт ва молия вазирининг ўринbosари
6. Б.Норқобилов – Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси
7. И. Эргашев – Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги директори
8. А. Хайтов – Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси
9. М. Раҳматов – Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси раиси
10. А. Равшанов – Пахта селекцияси уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияси илмий-тадқиқот институти директори
11. Ш. Отажонов – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгаши котиби
12. О. Аманов – Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти директори
13. Н. Усанбаев – Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти илмий ишлар бўйича директор ўринbosари
14. А. Эшматов – Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги “Анвар-А” фермер хўжалиги раҳбари

15. Лавозими бўйича – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаси Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари
16. Ш. Бобомуродов – Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти директори, *Республика комиссияси котиби*

Изоҳ: Республика комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига мазкур лавозимларга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юклатилган шахслар киритилади.





## О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil «13» февраля

№ПП–71

### **О дополнительных мерах по борьбе с деградацией земель сельскохозяйственного назначения, поддержке повышения содержания гумуса в почве и ее плодородия**

В целях предотвращения негативного воздействия изменения климата в республике, снижения деградации сельскохозяйственных угодий, **повышения урожайности сельскохозяйственных культур и плодородия почв путем увеличения содержания гумуса в почве:**

**1.** Внедрить порядок, в соответствии с которым в **2024–2025 годах** в качестве эксперимента землепользователям (в том числе кластерам) для агротехнических мероприятий по **повышению плодородия почв и урожайности**, в том числе **содержания гумуса** на хлопковых площадях, будут выделены **субсидии в размере одного миллиона сумов** на гектар за счет средств Государственного бюджета. При этом:

выделение субсидий осуществляется Министерством сельского хозяйства через **«Информационную систему агросубсидий»**;

в 2024 году **70 процентов** первоначально рассчитанной субсидии выделяется на проведение мер по **повышению плодородия почв и урожайности** на хлопковых площадях;

остальные **30 процентов** субсидии выделяются в 2025 году на основании заключения Совета по хлопководству при Президенте Республики Узбекистан **об увеличении** урожайности в среднем **на 10 процентов** относительно предыдущего сезона.

**2.** Министерству сельского хозяйства совместно с Министерством экономики и финансов обеспечить своевременное выделение субсидий, предусмотренных пунктом 1 настоящего постановления, за счет средств, выделенных в соответствии с параметрами Государственного бюджета на 2024 год.

**3.** В целях увеличения содержания гумуса в почве в соответствии с заявками Министерства сельского хозяйства на агротехнические мероприятия, при необходимости, разрешить начиная с сентября 2024 года выделение льготных кредитов из Фонда государственной поддержки сельского хозяйства при Министерстве экономики и финансов для урожая хлопка 2025 года.

**4.** Утвердить состав **Республиканской комиссии** по борьбе с деградацией земель сельскохозяйственного назначения и повышению плодородия почв согласно приложению.

Определить **основными задачами** Республиканской комиссии:

разработку предложений по повышению плодородия почв и урожайности путем **увеличения содержания гумуса в почве** на основе глубокого анализа зарубежного опыта;

выявление земельных площадей с низким содержанием гумуса в составе почвы, **составление их карт** и ведение мониторинга;

**внедрение системы землепользования, направленной на охрану почв** в регионах, и принятие мер стимулирования производителей продукции;

**широкое внедрение** опыта повышения плодородия почв на хлопковых площадях **в других регионах республики**;

разработку научно обоснованных рекомендаций **по предотвращению процессов деградации земель**;

организацию своевременного целевого и эффективного использования субсидий, выделяемых из Государственного бюджета.

**5.** В целях реализации деятельности в области почвоведения в единой системе передать государственное унитарное предприятие «Аналитический центр качества, состава и репозиторий почв» в состав Института почвоведения и агрохимических исследований.

**6.** Кабинету Министров **в недельный срок** утвердить:

Перечень районов, в которых апробируется практика выделения субсидий на повышение плодородия почвы хлопковых площадей в 2024–2025 годах;

Программу мер по повышению содержания гумуса и плодородия почвы на хлопковых площадях;

Временное положение о порядке выделения субсидий на агротехнические мероприятия по повышению плодородия почв и урожайности хлопковых площадей.

**7.** Счетной палате (Бобоев А.) установить контроль за целевым распределением и расходованием средств Государственного бюджета в рамках настоящего постановления.

**8.** Министерству сельского хозяйства совместно с Академией наук, Советом фермерских, дехканских хозяйств и владельцев приусадебных земель Узбекистана во втором квартале 2024 года создать рабочие группы из числа ученых научно-исследовательских и высших образовательных учреждений и организовать в каждом районе семинары для фермерских хозяйств с целью разъяснения важности агротехнических мероприятий по повышению содержания гумуса в почве, о субсидиях, выделяемых из Государственного бюджета.

При этом будут предусмотрены разработка и предоставление каждому фермерскому хозяйству рекомендаций по проведению агротехнических мероприятий по увеличению содержания гумуса в почве.

**9.** Министерству сельского хозяйства совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами **в двухмесячный срок** внести в Кабинет Министров предложения об изменениях и дополнениях в акты законодательства, вытекающих из настоящего постановления.

**10.** Возложить на советника Президента Республики Узбекистан по вопросам аграрного развития Ш.М. Ганиева ответственность за эффективную организацию и осуществление контроля за исполнением настоящего постановления.

Президент  
Республики Узбекистан



Ш. Мирзиёев

город Ташкент

Приложение  
к постановлению Президента Республики Узбекистан  
от 13 февраля 2024 года № ПП-71

**СОСТАВ**

**Республиканской комиссии по борьбе с деградацией земель  
сельскохозяйственного назначения и повышению плодородия почв**

1. Ганиев Ш. – советник Президента Республики Узбекистан, руководитель *Республиканской комиссии*
2. Рапиков Т. – заведующий секретариатом Кабинета Министров
3. Хамраев Ш. – министр водного хозяйства
4. Косимов А. – заместитель министра сельского хозяйства
5. Хайдаров А. – заместитель министра экономики и финансов
6. Норкобилов Б. – председатель Комитета ветеринарии и развития животноводства
7. Эргашев И. – директор Агентства по карантину и защите растений
8. Хайтов А. – председатель Совета фермерских, дехканских хозяйств и владельцев приусадебных земель Узбекистана
9. Рахматов М. – председатель Ассоциации хлопково-текстильных кластеров Узбекистана
10. Равшанов А. – директор Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка
11. Отажонов Ш. – секретарь Совета по хлопководству при Президенте Республики Узбекистан
12. Аманов О. – директор Научно-исследовательского института земледелия в южных районах
13. Усанбаев Н. – заместитель директора по научной работе Института общей и неорганической химии Академии наук

14. Эшматов А. – председатель фермерского хозяйства «Анвар-А» Пахтакорского района Джизакской области
15. По должности – заместитель Председателя Совета Министров Республики Каракалпакстан и заместители хокимов областей по вопросам сельского и водного хозяйства
16. Бобомуродов Ш. – директор Института почвоведения и агрохимических исследований, секретарь Республиканской комиссии

**Примечание:** при переходе членов Республиканской комиссии на другую работу в ее состав включаются лица, вновь назначенные на эти должности, либо лица, на которых возложено выполнение соответствующих функций.

